

Ташкилот номи:	Юристлар малакасини ошириш маркази
Таркибий бўлинма номи:	Оммавий-хуқуқий фанлар кафедраси
Танлов босқичи:	Суҳбат
Савол йўналиши:	Лавозим касб фаолиятига боғлиқ қонунчилик соҳаси (100 та савол)

1. Инкорпорациянинг амалга оширадиган субъектлар доирасига кўра уч тури мавжуд. Унинг мазкур турларини муҳокама этинг.

2. Унитар, федератив ва конфедератив давлат шакллари ўзига хос хусусиятларини таҳлил қилинг ва амалий мисоллар асосида тавсифланг.

3. Ҳозирда “глобаллашув” тушунчаси кўп ишлатилади. У қандай маънони англатади?

4. Қонун ижодкорлиги жараёнида қонунчилик ташаббуси хуқуқи субъектларининг ролини таҳлил қилинг ва амалий мисоллар келтириб ўтинг.

5. Қонунийлик ва хуқуқий тартиботни таъминлашда ҳуқуқ устуворлигининг ролини кўрсатиб беринг.

6. Давлат бошқарувининг шакли сифатида монархиянинг ўзига хос хусусиятлари ва турларини таҳлил қилинг ҳамда мисоллар келтиринг.

7. “Демократия” тушунчаси бугун энг кўп қўлланиладиган сўзга айланиб қолган. “Демократия” ва “демократик давлат” тушунчаларига таъриф беринг.

8. Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига оид норматив-хуқуқий ҳужжатларини санаб беринг.

9. Маъмурий ҳуқуқда рад қилиш масаласини тушунтириб беринг.

10. Маъмурий иш юритишда иштирок этиш имкониятини истисно қилувчи ҳолатларни санаб беринг.

11. Ўзбекистон Республикасининг “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги Қонунга биноан манфаатдор шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ёритиб беринг.

12. Норматив-хуқуқий ҳужжатларнинг шахслар доираси бўйича амал қилишини изохлаб беринг.

13. Норасмий шарҳлашнинг турларини тушунтириб беринг ва фикрингизни мисоллар билан асосланг.

14. Фуқаролик объектлари ҳарбий хужумнинг обьекти бўлмаслиги керак. Халқаро ҳуқуқ доктринасига мувофиқ, “низо” ва “вазият” тушунчалари ўртасидаги фарқ нимадан иборат?

15. Ad hoc ва доимий (институционал) арбитражлар ўртасидаги фарқни тушунириб беринг.

16. Халқаро оммавий ҳуқуқда субъект тушунчасига қандай таъриф берилади?

17. Халқаро оммавий ҳуқуқ субъектлари қандай хусусиятларга эга?

18. Халқаро оммавий ҳуқуқ бирламчи ва иккиламчи (ҳосилавий) субъектларининг асосий фарқи нимада?

19. Нима сабабдан ўз озодлиги учун курашаётган халқлар ва миллатлар халқаро оммавий ҳуқуқ субъектлари қаторига киритилган?

20. Халқаро оммавий ҳуқуқда ўз озодлиги учун курашаётган халқлар ва миллатлар деганда айнан қандай халқлар ва миллатлар назарда тутилади?

21. Нима учун халқаро ташкилотлар халқаро оммавий ҳуқуқ субъекти сифатида ясама хусусиятга эга?

22. Хориждаги Ўзбекистон фуқароларининг сайловда овоз бериш тартиби қандай?

23. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг турларини юридик кучи жиҳатидан муҳокама қилинг.

24. Миллий ҳуқуқий тизим тушунчаси ва унинг таркибий қисмларини ёритиб беринг.

25. Қонунчиликни тизимлаштиришда кодификациялашнинг амалий аҳамияти изоҳлаб беринг.

26. Хорижий фуқароларни таълим муассасаларига қабул қилиш қандай тартибда амалга оширилади?

27. Қонунчиликдаги коллизиялар; тушунчаси, сабаблари ва бартараф этиш йўлларини муҳокама қилинг.

28. Консуллик рўйхатида турувчи, чет элда яшовчи фуқароларга хорижга чиқиш биометрик паспортини олиш тартиби қандай?

29. Конунчилик ҳужжатларини тизимлаштиришнинг аҳамияти нималарда намоён бўлади?

30. Хорижий фуқароларни вақтинча рўйхатдан ўтказиш учун қандай ҳужжатлар талаб этилади?

31. Авф этиши бўйича илтимосномани кўриб чиқиш тартиби қандай?

32. Кимлар хорижда истиқомат қилаётган ватандошлар деб, ҳисобланади?

33. Халқаро хуқуқда халқлар ва миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилashi принципи қандай халқаро ҳужжатларга акс эттирилган?

34. Халқаро хуқуқнинг ноанъанавий субъектларига кимлар киради? Нима учун улар ноанъанавий субъект деб номланади?

35. Ўзбекистон Республикасида Консуллик фаолиятининг асосий вазифаларига нималар киради?

36. Консуллик фаолиятини амалга оширишнинг хуқуқий асосларини изоҳлаб айтинг.

37. Амалдаги қонунчиликка асосан консуллик муносабатларини ўрнатиш тартиби хусусида маълумот беринг.

38. Консуллик муассасасининг мақоми хусусида нималарни биласиз?

39. Қонунийлик кафолатларини мухокама қилинг ва амалий мисоллар келтиринг.

40. Консуллик мансабдор шахсларининг имтиёzlари ва иммунитетлари хусусида маълумот беринг.

41. Консулликнинг фуқароларга ва юридик шахсларга тааллуқли функциялари ҳақида нималарни биласиз?

42. Халқаро гуманитар хуқуқига таъриф беринг.

43. Қонунийлик принципларини мухокама қилинг. Фикрингизни амалий мисоллар ёрдамида ёритинг.

44. Халқаро хуқуқнинг қандай тамойиллари бор?

45. Қонунийлик ва ҳуқуқий тартиботни таъминлашда ҳуқуқ устуворлигининг ролини кўрсатиб беринг.

46. Халқаро хуқуқнинг умумэътироф этилган тамойилларига қайсилар киради?

47. Халқаро ташкилотлардан аъзоликдан чиқариш қачон қўлланилади?

48. Индивид халқаро оммавий ҳуқуқ субъектими? Индивид халқаро оммавий ҳуқуқ субъекти сифатида эътироф этилишига нисбатан қандай ёндашувлар мавжуд?

49. Маъмурий иш юритишда вакиллик тушунчасини ёритиб беринг.

50. Халқаро ҳукуматлараро ташкилотлар хамда Халқаро ноҳукумат ташкилотлар деганда нимани тушунасиз?

51. Қандай белгилар террорчиликнинг халқаро террорчилик хуружи эканлигини кўрсатади?

52. БМТнинг конвенциявий органлари фаолиятини ёритинг.

53. Халқаро ташкилотнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари унга аъзо бўлган давлатларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларидан фарқи нимадан иборат?

54. Универсал ташкилотлар деганда нимани тушунасиз.

55. БМТ Хавфсизлик кенгаши ҳақида гапириб беринг.

56. БМТ Халқаро суди ҳақида гапириб беринг.

57. Халқаро ҳуқуқда аҳоли тушунчасини келтиринг ва категорияларга таснифланг

58. Ўзбекистон ташқи сиёsatни амалга оширишда қандай принципларга амал қиласи?

59. Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёsatнинг устувор йўналишлари ҳақида нималарни биласиз?

60. Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунида қандай асосий принциплар назарда тутилган?

61. Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунига кўра, қайси давлат органлари коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни бевосита амалга оширади?

62. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида фуқаролик масалалари бўйича қандай қоидалар белгиланган?

63. Халқаро коррупцияга қарши кураш куни ҳақида нималарни биласиз?

64. Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонунига кўра, манфаатлар тўқнашуви деганда нима тушунилади?

65. Нималар маъмурий тартиб-таомиллар билан боғлиқ бўлган коррупциявий омиллар деб ҳисобланади?

66. Ўзбекистон Республикаси “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги Қонуннинг татбиқ этиладиган ва татбиқ этилмайдиган соҳаларини келтиринг.

67. Ўзбекистон Республикаси “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги Қонунига асосан, маъмурий орган томонидан маъмурий иш юритишни тўхтатиб туриш ҳолатлари ва тартибини ёритинг.

68. Ўзбекистон Республикаси “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги Қонунига асосан, маъмурий орган томонидан қайси ҳолларда маъмурий иш юритиш тугатилади?

69. Ўзбекистон Республикаси “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги Қонунига асосан, маъмурий шикоят қилиш тартиби ва муддатлари қандай?

70. Ўзбекистон Республикаси “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги Қонунига асосан, маъмурий шикоят кимлар томонидан кўриб чиқилади ва қандай қарорлар қабул қилинади?

71. Ўзбекистон Республикаси “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги Қонунига асосан, маъмурий орган томонидан қўлланиладиган мажбурий ижро чоралар ва уларни қўллаш тартибини келтиринг.

72. Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунида коррупцияга қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорлик ҳақида нима дейилган?

73. Ўзбекистон Республикаси коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши қандай ташкил этилади?

74. Марказий Осиё миңтақасидаги сиёсий, хавфсизлик ва ижтимоий-иктисодий жараёнлар ҳақида гапириб беринг.

75. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига умумий тавсиф беринг.

76. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси биринчи устувор йўналишда назарда тутадиган масалаларни ёритиб беринг.

77. “Mening fikrim” маҳсус веб-портали қандай мақсадда ташкил этилган ва у орқали қайси давлат ташкилотларига мурожаат қилиш мумкин?

78. “Электрон ҳукумат” тизимини тушунтириб беринг.

79. Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегиясининг мақсад ва вазифалари ҳақида гапириб беринг.

80. Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегиясини амалга оширишнинг асосий йўналишлари ҳақида гапириб беринг.

81. Давлат хусусий шериклик деганда нимани тушунасиз?

82. Ўзбекистон Республикаси Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссиясининг ваколатларини санаб беринг.

83. Демократик сиёсий режим турларини кўрсатинг ва уларнинг алоҳида ўзига хос жиҳатларини ёритинг.

84. Ижтимоий нормалар ва ҳуқуқ ўртасидаги ўзаро фарқли ва ўхшаш жиҳатларни таҳлил этинг.

85. Ижтимоий муносабатлар тушунчаси ва уларни норматив тартибга солишнинг объектив заруриятини тушунтиринг.

86. Илмий шарҳлашнинг касбий (профессионал) шарҳлашдан фарқли жиҳатларини изоҳлаб беринг.

87. Фуқароликка эга бўлиш усуллари тушунтириб беринг.

88. Халқаро хуқуқда фуқароликни йўқотиш шакллари қандай?

89. Халқаро хуқуқда “худуд” деганида нима тушунилади ва уни қандай турларини биласиз?

90. Анклав ва ярим анклавларни таърифини беринг

91. Халқаро хуқуқ манбаларининг таснифланишини айтинг?

92. Халқаро хуқуқнинг асосий манбаларини белгилаш тартиби бўйича нима дея оласиз?

93. Халқаро хуқуқнинг асосий принципларини санаб беринг?

94. Норматив-хуқуқий ҳужжатларни тизимлаштириш турларини муҳокама қилинг. Тизимлаштиришнинг амалий аҳамиятини кўрсатинг.

95. Инсон хуқуқларига оид халқаро ҳужжатларнинг юридик кучига қараб классификациялаб беринг.

96. Халқаро хуқуқий жавобгарлик нима?

97. Суверенитетни чеклаш нимани англатади?

98. Халқаро хуқуқий жавобгарлик соҳасидаги қониқиши (сatisfасция) нимани англатади?

99. Халқаро характерда бўлмаган қуролли тўқнашувлар нима?

100. Норматив шарҳлашнинг тушунчаси ва турларини айтиб беринг.